

## Босния ва Герцеговинада «Салом ё Расулulloҳ» анъанавий тадбири бошланди



13:30 / 12.10.2021 1728

Босния ва Герцеговина пойтахти Сараево шаҳарида рабиъул аввал ойи муносабати билан «Салом ё Расулulloҳ» анъанавий тадбири бошланди.

Бу йилги тадбир «Яхшилик қилинг!», шиори остида деб номланиб, пойтахтдаги Гази Хусрев кўрфазидаги тарихий кутубхонада Сараево Ислом Иттифоқи Ассамблеяси томонидан ўн еттинчи мартаба ўтказилмоқда. Сараево Ислом Иттифоқи Ассамблеяси раиси имом Абдулғаффор Велич тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, ўз нутқида: «Тадбир 20 кун давомида бутун мамлакат бўйлаб уюштирилади», деб айтган. Шунингдек, 17 йилдан буён давом этиб келаётган анъанавий тадбирдан мамнун эканини айтиб ўтган.

Бундан ташқари Сараево муфтийси Недзад Грабус: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ислом оламига қолдирган меросини эслайдилар», дея таъкидлаган. — «Яхшилик қил!» шиори остида ташкил этилган тадбир 1 ноябргача давом этади. Тадбир доирасида мамлакатнинг турли шаҳарларида, айниқса, Сараевода салавотлар, китоб акциялари, кўргазмалар ва мавлид маросимлари ўтказилади.